**ОЛТИ ОЙ ИЧИДА МАМЛАКАТИМИЗДА ИЛК БОР ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ 6,2 ФОИЗ ЎСИШИ ТАЪМИНЛАНДИ. САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ 9,6 ФОИЗГА, ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА СОҲАСИДА 7,6 ФОИЗ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА 10,4 ФОИЗ ЮКСАЛИШ ҚАЙД ЭТИЛДИ. ТАШҚИ САВДО АЙЛАНМАСИ 24,5 ФОИЗ, ЭКСПОРТНИНГ ЯЛПИ ҲАЖМИ ЎТГАН ЙИЛНИНГ ТЕГИШЛИ ДАВРИГА НИСБАТАН 25,2 ФОИЗ КЎПАЙДИ. ТАШҚИ САВДО БАЛАНСИДА 689,1 МИЛЛИОН АҚШ ДОЛЛАРИ МИҚДОРИДА ИЖОБИЙ САЛЬДОГА ЭРИШИЛДИ. ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ВА ИНФЛЯЦИЯНИНГ ПАСАЙИШИ АҲОЛИ РЕАЛ ДАРОМАДЛАРИНИНГ ЎСИШИНИ ТАЪМИНЛАДИ. ҲИСОБОТ ДАВРИДА УШБУ КЎРСАТКИЧ 16,7 ФОИЗНИ ТАШКИЛ ЭТДИ.**

**(Ушбу кўрсаткичлар Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил биринчи ярим йиллигида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 7 февралдаги мажлисида Президентимиз Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган устувор вазифаларнинг бажарилишига бағишланган мажлисида таъкидлаб ўтилди.)**


*Mustaqillik huquq demakdir*

# HUQUQ

YURIDIK GAZETA

# 29
(344)

| Iyul | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| D. | | 5 | 12 | 19 | 26 |
| S. | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| Ch. | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| P. | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| J. | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Sh. | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| Y. | 4 | 11 | 18 | 25 | |

2004

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan. WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz


**IFTIXOR**



# АҚЛИ-ЛА ЛОЛ ЭТДИ ДУНЁНИ ЎЗБЕК!

**2004 йил 13 июл. Бу сана халқимиз учун энг қувончли кунлардан бўлди десак янглишмаймиз. Зеро, шу куни тарих зарварақларига «Рустам Қосимжонов — шахмат бўйича жаҳон чемпиони» деган сўзлар битилди.**

**Ҳа, Рустам эришган зафар ҳар бир ўзбекистонликнинг қалбини қувончга тўлдирди. У мамлакатимиз шуҳратининг олам узра ёйилишига сабабчи бўлди. Бу оламшумул ғалабадан ёшу қари бирдай хурсанд. Ҳамма уни қутлашга ошиқади.**

**Газетамиз орқали бир нечта прокуратура ходимлари ҳам чемпионга ўзларининг дил изҳорларини йўлламоқдалар.**

**Эркин ЙЎЛДОШЕВ, Республика Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи:**

***— Ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов ўзбекларнинг шаънини яна бир бор юксак чўққига олиб чиқди. Ойнаи жаҳон орқали ўйинни кузатиб борар эканман, ғалаба яқинлашган сари қувончим ичимга сиғмасди.***

***Рустамжон, сизнинг шахматдаги буюк ғалабангиз Ўзбекистон халқининг, айниқса, ёшларимизнинг қалбида миллий ифтихор туйғусини кучайтиришига ишонаман. Ғалаба муборак бўлсин!***

**Светлана ОРТИҚОВА, Республика Бош прокуратураси бўлим бошлиғи:**

***— Шахмат бўйича жаҳон чемпионлигини қўлга киритган Рустам Қосимжоновни улкан ютуқ билан муборакбод этаман. Ушбу ғалаба уни шу даражага етказган оила аъзолари-ю устозларининг, ҳаммамизнинг ғалабамиз. Барчамизга бу ютуқ қутлуғ бўлсин!***

***Рустамжон, дунё аҳлини лол қолдириб, ғолиблик нашидасини суриб юраверинг! Оллоҳ сизга куч-қувват ато этсин!***

**Насим НОРИЕВ, меҳнат фахрийси:**

***— Ўзбекнинг кимлигини жаҳонга кўрсата олган бундай ўғлонлар билан қанча фахрлансак ҳам оз. Бу ғалаба мамлакатимиз ёшларининг ҳеч кимдан кам эмаслигига бир мисолдир. Рустамжон, сиз чинакам ватанпарвар фарзанднинг ишини қилдингиз. Эришган муваффақиятингиз билан қутлайман. Сизга доимо зафар ёр бўлсин!***

**Биз ҳам бу самимий тилакларга қўшилган ҳолда Президентимизнинг 2004 йил 14 июлдаги фармонини ўқиймиз. Унда: «Шахмат бўйича 2004 йилги жаҳон биринчилигида ғолибликни қўлга киритиб, халқимизга хос юксак интеллектуал салоҳият, мардлик ва жасорат намунасини амалда намоён этгани, Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириш, унинг шуҳратини бутун дунёга тараннум этишга қўшган улкан ҳиссаси учун Рустам Қосимжонов «Амир Темур» ордени билан мукофотлансин», дейилган.**

**Бугун ўзбекнинг димоғи чоғ, боши осмонда. Шоир айтганидек,**

***Буюк боболар-ла фахр этсак агар,***
***Зинҳор туюлмасин бу сийқа сўздек.***
***Ўзбек қучди бу кун***
***дунёвий зафар,***
***Ақли-ла лол этди***
***дунёни ўзбек!***

**Бу хуш кайфият уни янги-янги зафарларга илҳомлантириши шубҳасиз.**

**Фазилат ЁДГОРОВА,**
**«Huquq» мухбири**

**RESPUBLIKA BOSH PROKURATURASIDA**

# КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

**Ўтган шанба куни Республика Бош прокуратурасида идораларaро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Бош прокурор ўринбосари Абдухалим Холмаҳматов олиб борди.**

Йиғилишда ИИВ жазони ижро этиш бош бошқармаси (ЖИЭББ) тизимидаги тергов ҳибсхоналари ва колонияларда маҳбусларни сақлашда қонунларга риоя қилиниши ҳамда Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси билан ҳуқуқий муносабатлар аҳволига оид масалалар муҳокама қилинди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоят прокурорларининг соҳа бўйича ўринбосарлари, бўлим бошлиқлари ва махсус прокурорлар иштирок этишди.

А.Холмаҳматов биринчи масалага алоҳида тўхталар экан, ҳуқуқий ислоҳотлар натижасида мамлакатимиз пенитенциар тизимида ҳам сезиларли ўзгаришлар бўлганига, хусусан маҳбусларни сақлаш ҳамда жазони ўташ шароити халқаро ҳуқуқий стандартларга мослаштирилаётгани ва бу жараён бугунги кунда ҳам давом этаётганига урғу берди. Бунинг натижаси ўлароқ тергов ҳибсхоналарида сақланаётган ва колонияларда жазо ўтаётганлар сони сезиларли даражада камайган, маҳбуслар қонунда белгиланган меъёрда ётоқ жойи, озиқ-овқат ва уст-бош билан таъминланган. Шундай бўлса-да, ЖИЭББга қарашли тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш колонияларида ўтказилган текширишларда бу тизимда ҳануз қонунбузилишларга йўл қўйилаётгани аниқланди. Жумладан, айрим жиноятчилар қамоққа олинаётганда айбининг оғирлиги, шахси, иш билан бандлиги, ёши, соғлиги, оилавий аҳволи, етказилган зарарнинг қопланганлиги эътиборга олинмаган. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган, айни пайтда амнистия акти асосида жазодан озод этилиши аниқ бўлган шахсларни қамоққа олиш, тергов қилиш ва ишини судда кўриш ҳолатларига чек қўйилмаган.

Мувофиқлаштирувчи кенгашда Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси Марказий Осиё минтақавий ваколатхонаси билан ҳуқуқий муносабатлар масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Ушбу қўмита ходимларининг тергов ҳибсхоналари, шунингдек, озодликдан маҳрум этиш жазосини ўташ жойларига қилган ташрифлари натижасига кўра тақдим қилган хулосаларидаги эътиборга сазовор тавсияларни инобатга олиш йўли билан бу жойлардаги шароитни, маҳбус ва маҳкумлар билан муомала қилишни халқаро ҳуқуқ меъёрларига мослаштириш борасида қатор ишлар амалга оширилаётганлиги қайд этилди.

Ўтган давр мобайнида қўмита вакиллари билан ҳамкорликни амалга ошириш жараёнида йўл қўйилган камчиликлар атрофлича муҳокама этилди, ушбу қўмита ҳамда бошқа халқаро нодавлат ташкилотлар билан мулоқотларни амалдаги қонунлар асосида янада чуқурлаштиришга қаратилган аниқ тавсиялар берилди.

Кенгашда шунингдек, Республика Бош прокуратурасининг бошқарма бошлиғи Э.Йўлдошев, бошқарма бошлиғининг ўринбосари М.Мирсолиҳов кун тартибидаги масалалар юзасидан маърузa қилиб, амалга оширилган ишлар, йўл қўйилган камчиликларга атрофлича тўхталиб ўтишди.

Йиғилиш сўнгида муҳокама этилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди.

**Моҳият**

*Кишининг ўз олдига қўйган мақсади, унга эришиш йўлидаги хатти-ҳаракати унинг ақли-идроки қандайлигидан далолат беради.*

**«САОДАТНОМА»** китобидан

## СВОЖҚК ДЕПАРТАМЕНТИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

**Тошкент шаҳар прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бўлими ходимлари «Yulduz-sayohat» МЧЖга қарашли авиакассада ўтказган текширув натижасида сотувчи Елена Ким мижоз Элвира ва Гулнора Маҳкамоваларга «Тошкент-Москва-Тошкент» йўналиши бўйича учадиган рейсга 2 та авиачиптани 740.000 сўмга ҳисоблаб, чипталарга пул ўтказиш йўли билан сотилганлик тўғрисида «INV PP11» белгисини ноқонуний равишда қўйиб, 800 АҚШ долларига сотганлиги аниқланган. Шунингдек, текширув давомида авиакассада кун давомида билетларни сотишдан тушган 1.679.000 сўм ва 51 та қатъий ҳисобот бланкаси мавжудлиги аниқланган. Ушбу чипталардан 20 таси 4.064.700 сўмга сотилган, шундан 3.695.400 сўмни МЧЖ раҳбари В.Ким банкка топширмай олиб кетган. Чипталарга тегишли талонлар кўздан кечирилганда, уларнинг барчасида тўлов нақд пулсиз амалга оширилганлиги тўғрисида ёзув киритилган. 1.679.000 сўм далилий ашё сифатида олинган.**

* * *

**Олтиариқ туман прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бўлими ва ДСИ ходимлари ҳамкорликда ўтказган текширув натижасида фуқаро А.Ҳайдаров «Форд» маркали, 11L 50-30 номерли автомашинасини 2003 йили фуқаро Ж.Тожибоевга ҳеч қандай шартнома тузмасдан ижарага бериб, 2.640.000 сўм даромад олгани аниқланди. У мазкур даромади тўғрисида ДСИга ҳисобот тақдим этмай 755.300 сўмлик солиқни тўлашдан бўйин товлаб келган.**

* * *

**Андижон шаҳар прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бўлими ва ДСҚ ходимлари ҳамкорликда «Андижон дурдонаси» Ўзбекистон-Британия қўшма корхонасида ўтказган текширув натижасида корхона мансабдорлари солиқ ва бошқа тўловлардан 18.466.800 сўмлик қарзи бўлишига қарамай, муддати ўтган 5.200.000 сўмлик дебиторлик қарзини ундириш чорасини кўрмаганлиги, ишчиларга 2002 йил апрел-декабр ойларида 4.034.600 сўмлик маҳсулотни натура шаклида иш ҳақи учун берганлиги аниқланди. Бундан ташқари, 2003 йил 15 сентябрда тузилган шартнома бўйича Швейцариянинг «Frewar investments LTD» компаниясидан 260.000.000 сўмлик маҳсулот олиб келиниши таъминланмаган. 2003 йил 21 ноябр куни яна шу корхона билан шартнома тузилиб 88.200.000 сўмлик тўлов амалга оширилиб, ушбу суммага маҳсулот олиб келинмаган. Умуман, корхонанинг импорт шартномалари бўйича 4.610.800.000 сўмлик муддати ўтган кредиторлик қарзи мавжуд.**

* * *

**Чортоқ туман прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бўлими ходимлари «Давр» минтақалараро аудиторлик компаниясининг Чортоқ филиали туман «Давлат таъминоти савдо фирмаси»да ўтказган текширув ҳужжатларини ўрганиш натижасида фирма тайёрловчиси М.Атоматов моддий жавобгарлигидаги 1.842.900 сўмлик маҳсулотни растрата йўли билан талон-тарож қилганлиги аниқланган.**

* * *

**Навоий вилоят прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бўлими ходимлари ўтказган тадбирда навоийлик Л.Ҳамдамова фуқаро Р.Хайрулинга 600 АҚШ долларини 615.000 сўмга сотаётган вақтида ушланди. Хорижий валюта далилий ашё сифатида олинди.**

***Юқоридаги ҳолатлар юзасидан ЖКнинг тегишли моддаларига асосан жиноят ишлари қўзғатилган.***

PROKUROR NAZORATI

# ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДАГИ ҒОВ

## АНДИЖОН ВИЛОЯТ ПРОКУРОРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ АНВАР ҚУРОНБОЕВ БИЛАН СУҲБАТ

**— Анвар ака, мамлакат Президенти халқ депутатлари Андижон вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислоҳотлар йўлига тўсиқ бўлаётган нуқсонлар ҳақида тўхталиб, биргина жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятда 21,9 млн. сўмлик техника, 12,1 тонна ёнилғи, 30,2 тонна минерал ўғит ноқонуний ўзлаштирилганлиги ҳақида ташвишланиб гапирди. Бу танқиддан нафақат қишлоқ хўжалиги мутасаддилари, балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳам хулоса чиқариб олишлари керак, шундай эмасми?**

— Албатта, биз ҳам танқиддан тўғри хулоса чиқариб, қишлоқ хўжалигида қонун устуворлигини таъминлаш юзасидан олиб бораётган ишларимизни яна бир бор таҳлил қилиб, тадбирлар режасини ишлаб чиқдик. Асосий эътиборни қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришга оид қонун, фармон ҳамда ҳукумат қарорлари ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилишини назорат қилишга қаратаяпмиз. Айниқса, экин майдонларининг мониторингини ўтказиб бориш, ердан оқилона фойдаланиш, техникани хўжасизларча ишлатишга чек қўйиш, минерал ўғит ва ёнилғини талон-тарож қилишнинг олдини олиш доимий эътиборимизда.

**— Лекин шунга қарамай ноқонуний ҳаракатлар ҳамон содир этилаяпти. Буни қандай изоҳлайсиз?**

— Мутасадди раҳбарлар ва жамоатчилик орасида тушунтириш ишларини мунтазам олиб боришимизга, ҳатто огоҳлантиришимизга қарамай айрим туманларда қишлоқ хўжалиги учун ажратилган минерал ўғит ва ёнилғини талон-тарож қилиш четга олиб чиқиб сотишга уринишлар бўлаяпти. Масалан, Марҳамат туманидаги «Машъал» ширкат хўжалиги омбор мудири Ж.Насриддинов жавобгарлигидаги карбомид минерал ўғитининг 2 тоннасини талон-тарож қилган. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, суд муҳокамасига юборилди ва 206.100 сўмлик минерал ўғит хўжаликка қайтарилди.

Умуман, текширишлар натижасида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоят бўйича 9,4 тонна минерал ўғит талон-тарож қилинганлиги аниқланиб, 9 та жиноят иши қўзғатилди. 821.400 сўмлик ўғит республикадан ташқарига ноқонуний олиб чиқиб кетилишининг олди олинди.

Вилоятда нефть маҳсулотларини сақлаш ва тарқатиш вазифаси юклатилган мансабдор ва моддий жавобгар шахслар фаолияти устидан назорат ҳам сусайтириб юборилган. Оқибатда турли қонунбузарликлар содир этилаяпти. Жумладан, Балиқчи туманидаги «Бунёдкор» кооперативи раиси Ё.Ҳакимов омбор мудири К.Ҳакимов билан тил бириктириб, 1,8 тонна ёнилғини талон-тарож қилган. Ушбу ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилиб, айбдорлар қилмишига яраша жазо олдилар. Текширишлар натижасига кўра вилоят бўйича бу соҳадаги қонунбузарликларни бартараф этиш ваколатига эга бўлган мансабдорлар номига 7 та тақдимнома киритилди, 11 нафар мансабдор интизомий, 9 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди. Учта ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

**— Қишлоқ хўжалик техникасини асраб-авайлаш, улардан самарали фойдаланиш прокуратура назоратига олинганми?**

— Албатта, техника ва механизмлардан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатишга алоҳида эътибор бераяпмиз. Бу борада бир қатор қонунбузилишлар аниқланди. Жумладан, Булоқбоши туман машина-трактор парки омбор мудирлари А.Мамашев ва И.Жалоловлар 2,5 млн. сўмлик 72 турдаги эҳтиёт қисмни сотиб юборишган. Афсуски, бундай мисолни бошқа туманлардан ҳам келтириш мумкин. Энг ачинарлиси, вилоят бўйича шу йил давомида 21,9 млн. сўмлик қишлоқ хўжалик техника ва механизмлари талон-тарож қилинган. Албатта, айбдорларга нисбатан қонуний чора кўрилди. Аммо жиноятни аниқлаб, чора кўргандан кўра унинг олдини олган маъқул. Ана шу мақсадда тарғибот-ташвиқотга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Содир этилган жиноятни жамоатчилик орасида таҳлил қилаяпмиз. Бу ишлар самара бермоқда. Кейинги пайтларда нафақат қишлоқ хўжалигида, балки бошқа соҳаларда ҳам қонунбузилишлар сони камайгани фикримизнинг далилидир.

**«Huquq» мухбири Абдуҳошим МАДАТОВ суҳбатлашди**

YANGI KITOB

**Браун ҳаракати нима ўзи? Молекулаларнинг бўшликдаги тартибсиз ҳаракатими? Йўқ. Шу «тартибсизлик»да ҳам маълум қонуният борлигини ҳозир мактаб ўқувчисиям билади. Сабабсиз — оқибат, оқибатсиз — воқеа юз бермайди. Браун ҳаракатнинг биз идрок этган хулосаси шундай.**



# БРАУН ҲАРАКАТИ

Прокуратуранинг масъул ходимлари Тўйчибой Ҳайталиев ва Гулнора Ҳамроеванинг яқинда ўқувчилар қўлига етиб борган «Мудҳиш хотиралар» (Тошкент. «Yangi asr avlodi») китобини ўқиган китобхон ҳам шундай хулосага келса ажаб эмас.

Китоб кишилар қисмати ҳақидаги ҳикоядан иборатдир. Қиссанинг бош қаҳрамони Малика ўзи ва оиласи бошига тушган ҳақсизликлар учун бошқа бир жиноий тўда ёрдамида ўч олади. Ажабки, бу жиноий тўданинг ҳаракатдаги иштирокчилари ҳам бир пайтлар ҳақсизлик қурбони бўлишган ва адолатни тиклашнинг энг тўғри йўли деб «аччиқни аччиқ кесади» қабилидаги омади фалсафани танлашга мажбур бўлганлар.

Китоб муаллифлари ёзувчиликни даъво қилмайдилар. Шунинг учун улар ўқувчиларни кундалик фаолиятларида ўзлари ўтказадиган ҳуқуқий саводхонлик сабоқларининг тингловчиларидек тасаввур этиб, гўё уларга бир тергов тафсилотини ҳикоя қилиб беришади. Ҳуқуқшуноснинг бундай содда самимияти тингловчини, яъни китобхонни мушоҳада гирдобига тортади.

Китоб қаҳрамонларининг ўзлари ҳам, атрофидагилар ҳам «ёмон» одамлар. Беихтиёр, яхшилар қаерда, борми ўзи бу ҳаётда яхшилар, деб юборгингиз келади. Бу саволга муаллифлар яхши ҳаётий хулоса билан жавоб берадилар. Қамоқдан озодликка чиқай деб турган Маликани йўқлаб келган тоғаси: «Агар вақтида сендан хабар олганимда бошингга бу кўргуликлар тушмасди», дейди. Оқибатсизлик, қариндош-уруғ, маҳалла-кўй ўртасидаги бехабарлик, меҳрсизлик ва энг ёмони — лоқайдлик бир гуруҳ одамлар фожеасининг асосий сабабчиси бўлган. Қиссадан чиқадиган муҳим хулоса шу.

Адабиётимизда кейинги пайтда кўплаб саргузашт асарлар пайдо бўлди. Улар орасида прокуратура ва бошқа ҳуқуқ-тартибот органларида ишлаб ижод қиладиган қаламкашлар ҳам анчагина. Ижоддаги ўзига хос бу Браун ҳаракати «соф адабиёт», ижодиёт менинг ҳукм-фармонимдаги иш, менинг томорқамга ҳеч ким ораламасин қабилидаги қарашларни йўққа чиқаради. Чунки ҳуқуқшунос ижодкорлар туфайли ўзбек детективи қуруқ саргузаштпарастликдан ҳуқуқий тарбия, демак ҳаётий тарбия воситасига айланмоқда. Тўйчибой Ҳайталиев ва Гулнора Ҳамроеваларнинг «Мудҳиш хотиралар» қиссаси бунга бир мисол холос.

**Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист**

*Mohiyat*

*Қоронғу йўлнинг нурли чироғи улуғвор ғоялар чироғидир.*

**«Саодатнома» китобидан**

QING`IR ISH — KELTIRAR TASHVISH

# ҚИЛМОВДИМ КИРИМ — ФОШ БЎЛДИ СИРИМ

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳоли билан ҳисоб-китобларни амалга оширишда назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаш тартиби тўғрисида»ги (1994 йил 26 декабр) ҳамда «Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2001 йил 22 июн) қарорлари халқ фаровонлиги йўлидаги аниқ қадамлар эди. Аммо нақд пул тушумига эҳтиёж ортаётган бир шароитда уларнинг ижросига беписандлик билан қарайдиган тижоратчилар ҳамон учраб турибди.

Зоҳир Расулов Самарқанддаги «Гастроном» МЧЖда анчадан бери ишлаб келади. У текширув куни сотувдан тушган 676.446 сўмни назорат-касса машинасидан ўтказмагани аниқланди.

Пастдарғомлик Маҳкамтош Содиқова ҳам ишбилармонлиги билан элнинг назарига туша бошлаган эди. Аммо «Пахтабанк»нинг туман бўлимининг 2004 йил 15 январда берган маълумотномасига кўра М.Содиқова раҳбарлигидаги «Искандар» МЧЖ томонидан текширув кунига қадар 12.218.320 сўм нақд пул топширилган. Аниқроғи, 7.295.951 сўм назорат-касса машинасидан ўтказилмаган.

Ушбу ҳолатлар юзасидан айбдорлар тегишли жазога тортилдилар.

Қизиқ, савдодан ҳалол луқма топиб ейишга бел боғлаган ишбилармонлар наҳотки кун келиб ғирром ишлари фош бўлиб қолишини ўйлашмаган. Шу ўринда бир мулоҳаза. Юқоридаги каби қонунбузарликларга фуқароларнинг харид қилинган товар учун чек талаб қилмасликлари ҳам сабаб бўлмоқда. Демак, ҳали фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш учун кўп ишлар қилиниши керак.

**Ҳамид ЖЎРАЕВ,**
**Самарқанд вилоят прокуратураси жиноятларни тергов қилиш бўлими бошлиғи**

FARMON VA IJRO

# ҒИРРОМЛИК

Жорий йилнинг 11 мартида эълон қилинган «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент фармони билан прокуратура органлари зиммасига ҳам қатор вазифалар юкланган эди. Ўтган давр мобайнида Сирдарё вилоят прокуратураси томонидан фармон асосида бир қатор ишлар қилинди.

Жумладан, ноқонуний ҳужжатларга нисбатан тегишли идораларга 63 та протест киритилиб бекор қилинди ва айримлари қонунларга мувофиқлаштирилди. Қонунбузилиш ҳолатларининг содир этилишига имкон берган шароитни бартараф этиш тўғрисида бошқарув идораларига 193 та тақдимнома киритилиб, 884 шахс расман огоҳлантирилди. 52 та жиноят иши қўзғатилиб, ҳуқуқбузарлардан 61 млн. сўмдан ортиқ зарар ундирилди.

Масалан, «Малик» корхонаси томонидан Шароф Рашидов туманидаги фермерларга тарқатилган уруғлик чигит текширилганда, сақлаш қоидалари бузилгани оқибатида улар сифатсиз ҳолга келгани аниқланган. Тумандаги 26 фермерга тарқатилган 33.885 кг. уруғлик чигит 935 гектар ерга экилган ва униб чиқмаган. Натижада фермерлар жами 4.491.200 сўмлик зарар кўрганлар.

Шунингдек, «Оқолтин» пахта тозалаш заводи ходимлари уруғлик чигитнинг ҳар қопини 35 кг. деб тарқатишган. Ўлчаб кўрилганда эса 25-22 кг. чигит мавжудлиги аниқланган.

Вилоят прокуратураси томонидан айбдорларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

**Турғунбой САГАТОВ,**
**Сирдарё вилоят прокурорининг ўринбосари**

● Aks-sado

## ТАНИМАГАННИ СИЙЛАМАСМИ?

Газетанинг шу йил 9 июн сонидаги аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги ютуқ ва камчиликларга холисона баҳо берилган. Бу бугунги куннинг долзарб мавзусидир. Бундай дейишимизга сабаб бор. Баҳонада ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида бўлган бир воқеа ёдимга тушди. Қарши туман газетаси ходими Жўра Ботировнинг тоби қочди. Шошилинч тиббий ёрдам зарур. Чақирилган «тез ёрдам» ҳадеганда келавермади. Орадан ўтган фурсат йилга татиди.

Бироз кечикиб бўлса-да, беморга биринчи ёрдам кўрсатилди. Навбатчи шифокор уни зудлик билан касалхонага ётқизиш кераклигини уқтирди. Бироз тинчланган бемор эса шифокорга: «Дўхтир, малол келмаса яна бир хизмат бор. Аввал мени уйимга бир олиб боринглар, бола-чақа билан хайрлашиб олай, «тез ёрдам»нинг аҳволи шу бўлса, қолганлари қандай экан?» дея ярим ҳазил-ярим чин маънода ёрдамнинг кечикканига ишора қилган эди. Аммо тан олиш керак, Бешкентда билим ва маҳоратини аямай элга хизмат қилаётган шифокорлар кўп. Файзи Зарипов, Тўйчи Арабов, Хадича Мўминоваларни туман аҳли жуда ҳурмат қилади. Аммо гуруч курмаксиз бўлмас деганларидай шу йилнинг 7 июн куни рўй берган бир воқеа кўпчиликни ранжитди.

Тошкентда яшаётган Моҳира ака-опаларининг дийдорига ошиқарди. Болаларини етаклаб кўчага чиқди. Улар минган такси Қаршига кираверишда фалокатга учради. Боши билан машинанинг олд ойнасига урилган аёл енгил жароҳат олди. Узоқ можаролардан сўнг уни шаҳардаги тез тиббий ёрдам марказига олиб бордик. Қабул бўлимидаги аҳвол, ходимларнинг хатти-ҳаракати ўлганнинг устига тепган билан баробар бўлди. Икки соат суриштирилгандан кейингина унга ёрдам кўрсатилди. Бу орада айланиб бошидан нималар ўтмади дейсиз. Саломатлик посбонлари эса замонавий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган муҳташам масканда худди истироҳат боғида юргандек хотиржам. Айниқса кираверишдаги диванда мудраб ўтирган санитарнинг ўзини тутиши, бепарволиги кишининг дилига ғашлик солади. Хайрият, бир-икки аччиқ-тизиқ сўзлардан сўнг навбатчи шифокор Тоштемиров бемордан керакли маслаҳатларини аямади.

Буларни ёзишдан мақсадим шуки, элнинг саломатлиги учун қилинаётган ҳаракатлар яна ҳам самарали бўлсин. Бу борадаги ишлар сидқидилдан, масъулият билан қилинсагина «тез ёрдам» исмига монанд бўлур эди.

Гулчеҳра ЖЎРАЕВА,
журналист

# Maktublar, shikoyatlar, javoblar



РАҚАМ

Чоршанбадан чоршанбагача таҳририят муштарийлардан 41 та мактуб олди.

## «ОЧИЛМАЙ СЎЛГАН ҒУНЧА»НИ ЎҚИБ...

Яқинда бир курсдош дўстим билан иккимиз учун ҳам қадрли бўлган танишимизнинг йиғинида учрашиб қолдик. Кўпчилик ҳали йиғилмаганлиги сабабли кенг ҳовлининг четрогига қўйилган ўриндиққа ўтириб талабалик йилларимиз, мезбон оғамизнинг фазилатлари ҳақида гаплашиб ўтирдик. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай ўрта бўйли ёшгина йигитча стол устига бир чойнак чой билан иккита пиёла қўйиб, бизни чойга таклиф қилиб кетди. Бу хонадонга кўпдан бери келмаганим учун уни танимадим. Шеригим чой қайтарар экан, «Ғулом аканинг кенжаси. Жуда одобли, ақлли бола» деб изоҳ берди.

Хабарим бор, олти йилча илгари домланинг умр йўлдоши тўсатдан оламдан ўтган, бироз вақт ўтиб ошнаоғайнинининг қистови билан бошқа бир аёлга уйланган эди.

Шу орада бояги йигитча олдимиздан яна чойнак кўтариб ўтди.

— Барака топгур келинойимиз ҳам жуда ақлли, болаларга меҳрибон, — дея гап бошлади суҳбатдошим. — Бўлмаса дўстимизнинг тўртта ёш боласини ўз фарзандидек парвариш қилармиди? Бунинг устига домланинг уйидан одам аримайди. Ҳаммасига улгуриш керак. Шу вақтгача бу хонадондан бир тишлам нон емай кетган эмасман.

Домланинг аёлини танимасам ҳам оқила ва оқибатли эканига ишонч ҳосил қилдим. Ҳавасим келди. Қайнийди ҳамма у кишига ўхшаса. Афсуски, диёнатли одамлар ичида ўзининг манфаати, ҳузур-ҳаловати йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиганлар ҳам учраб туради.

Хизмат юзасидан ҳар хил одамлар билан суҳбатлашишга тўғри келади. Ҳар бирининг ўз дарди, муаммоси бор. Эр-хотин ўртасидаги келишмовчилик, ҳурматсизлик охир-оқибат фарзандларнинг тирик етим бўлиши билан ниҳояланади. Ўшанда руҳан эзилган, сарсон юрган болакайларни кўриб юрагингни чил-чил бўлади. Афсуски, бу тоифа ота-оналарга қонуний бурчини тушунтириш баъзан бесамар кетади.

«Huquq» газетасининг 2004 йил 7 июл сонида босилиб чиққан «Очилмай сўлган ғунча» сарлавҳали мақолани ўқиб ранжидим. Наҳотки ёш болага шундай муомала қилиб бўлса? Разолат ботқоғига ботган Моҳигул ўзбек аёлими? Ўгай бўлганлиги учун норасида болани ўлдириб, жасадини итларга талатганни инсон деб бўладими? Менимча маҳалла-кўй, қариндош-уруғлар унинг феълидан хабардор бўлган. Аммо... Бепарволик, бировнинг ташвишига қайишмасликнинг оқибати — фожеа!

Бу воқеа ҳаммамизга сабоқ бўлиши керак.

Ш.ҚАҲҲОРОВ,
Республика Бош прокуратурасининг фуқароларни қабул қилиш ва аризаларни кўриб чиқиш бўлими прокурори

● Javob

## «ИМКОНИ БОРМИКАН?»

**«Huquq», 2004 йил 13-сон**

**Андижон вилоят ҳокимлиги Марҳамат туманидаги «Пахтакор» ширкат хўжалигида яшовчи Даврон Мамазоитовнинг аризаси юзасидан қуйидагиларни маълум қилади.**

**Шикоят хатини ўрганиш жараёнида Д.Мамазоитов билан суҳбатлашилди. У ҳозирги кунда Фарғона иқтисодиёт университетининг 2-курсида таълим олмоқда. Бу йилги шартнома суммасини тўлиқ тўлаган, ҳозир кредит олишга зарурати йўқ.**

**Унга 2004-2005 ўқув йилига таълим кредити олиш учун мурожаат қилса, биринчи навбатда кредит берилиши тушунтирилди.**

Ш.ИБРОҲИМОВ,
Андижон вилоят ҳокимининг ўринбосари

## ТУШУНТИРИБ БЕРИЛДИ

«Huquq» газетасининг 2004 йил 17-сонида чоп этилган «Ҳамма манфаатдор-ку» мақоласидаги масала ўрганиб чиқилди. Фуқаро Б.Ибрагимовнинг «Пахтабанк» пластик карта жамғармасига Миллий банкнинг Урганч шаҳар филиалидан маблағ келиб тушган. «Пахтабанк» бошқарувининг 2004 йил 9 февралдаги қарорига асосан жисмоний шахсларнинг бошқа банклардан кўчирилган омонатларини нақд пул билан таъминлашда тушириладиган маблағнинг 5 фоизи миқдорида хизмат ҳақи ундирилиши ва «Пахтабанк» бошқарувининг 2004 йил 12 майдаги қарорига мувофиқ 1 июлдан бошлаб пластик карточка омонатларига ойига 2,5 фоиз даромад тўланиши Б.Ибрагимовга тушунтириб берилди. Омонатчидан шу кунга қадар ҳеч қандай хизмат ҳақи ундирилмаган.

А.БОЙМУРОДОВ,
«Пахтабанк» бошқаруви раисининг 1-ўринбосари

● Tanqid

## ЎРМОНГА ЎТ КЕТСА...

Шаҳар ва қишлоқларимиз йилдан йилга чирой очиб, обод бўлиб бормоқда. Аммо, афсуски, кейинги пайтларда негадир Беруний туманининг маҳалла ва овулларида газ таъминоти яхши бўлмаяпти. Одамлар қиш бошланди дегунча ўтин излаб овора бўлишмоқда. Бу аҳволдан яхшигина хабардор бўлган мутасадди раҳбарларнинг эса парвойи палак. Баҳонаси: халқ вақтида газ ҳақини тўламаётган эмиш.

— Ажабо, йўқ газга қандай пул тўлаймиз? — дейди Беруний шаҳар «Шаббоз» маҳалласида яшовчи И.Реймбоев, М.Қутимова, Й.Қурбонов ва бошқалар.

«Шаббоз» ширкат хўжалигининг 6-бригадасида яшовчи А.Болтабоев эса фарзандлари хўжаликдан 243.000 сўм иш ҳақини ололмаётгани, хўжалик лоақал электр ёки газ тўлови учун пул ўтказиб бермаётганидан шикоят қилади.

— Газ ёнса ҳам шамга ўхшаб милтиллаб туради. На овқат пишади, на чой қайнайди, — дейди туманнинг У.Жуманиёзов номли деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасидан Қ.Ёқубов, А.Реймбоев, Н.Каримбоев, Ф.Абдураимлар.

— Қиш мавсумини-ку айтмай қўяқолинг. Бизда ёзда ҳам газ йўқ, — дейди биз билан суҳбатда «Гулистон» ширкат хўжалигидан Ю.Собиров, З.Дўстжонов ва М.Мамутовлар.

Бу ерда истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари поймол қилинаётгани кўриниб турибди. Кимлардир пул тўламаётган бўлса, бу бутун овул ёки туман аҳли газ ҳақини тўламаяпти дегани эмас-ку. Газ ҳақини ўз вақтида тўлаётган фуқароларни бундай нохуш аҳволга солишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ўрмонга ўт кетса ҳўл-қуруқ баробар ёнади деган нақл бу ерда кетмайди.

Бу иш тезда мутасадди ташкилотлар томонидан чуқур ўрганилиб, холис баҳо берилади деган умиддамиз.

Нуриддин ОҚНАЗАРОВ,
«Huquq» мухбири

## ХИЗМАТ ЯХШИЛАНАДИ

**Таҳририятимиз 2004 йил 6 май куни Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 19-кварталдаги 31-уй 25-хонадонда истиқомат қилувчи пенсионер Г.Нурбоевадан шикоят хати олган эди. Унда айтилишича, Г.Нурбоева 2003 йил 25 июл куни оғир аҳволда янги ТошМИнинг қанд касалликлари жарроҳлик бўлимига олиб келинган. Унинг турмуш ўртоғи операция учун зарур бўладиган дори-дармонни топиб келиш учун кетган. Олдида бошқа қариндош-уруғлари бўлмаган. Г.Нурбоева қарийб 2 соат операция столида қийналиб ётади. Беморга оғриқни қолдирадиган укол ёки таблетка берилмаган. Операция пайтида ҳам жарроҳ У.Қосимов беморга қўпол муносабатда бўлган.**

**Таҳририят 2004 йил 10 майда шикоятни ўрганиб чиқиш ва чора кўриш учун Соғлиқни сақлаш вазирлигига юборган эди. 14 июн куни вазирликнинг даволаш-профилактика ёрдами бош бошқармаси бошлиғи Ш.Хошимов имзоси билан олинган жавоб хатида Г.Нурбоеванинг шикояти махсус комиссия томонидан атрофлича кўриб чиқилганлиги баён этилган. Унда келтирилган даъволар асосли деб топилиб, маъмуриятнинг 2004 йил 21 майдаги 27-буйруғи билан жарроҳ У.Қосимовга ҳайфсан эълон қилинган. Беморга эса даволаниш учун 1-республика клиник шифохонасига мурожаат қилиши тавсия этилган.**

▼ JURNALIST BONG URADI

## БОЗОР БЕДАРВОЗА...МИ?

Термиз шаҳридаги «Буюм бозори»га кириш жойидаги узун йўлакни «тиллачи хоним»лар ишғол этишган. Бир неча йилдирки, улар шу зайлда ноқонуний савдо билан шуғулланиб келишмоқда.

Тиллафурушлар савдо қилишнинг ғалати, айни пайтда осонгина йўлини топишган. Йўлакка турнақатор тизилганча ўтириб олишади-да, қўлларидаги сумкачани очишади, вассалом. Унда териб қўйилган турли зирак, узук, занжиру ранг-баранг зеб-зийнатлар харидорнинг кўзини қамаштиради. Қани, бу раста ёнидан аёл зоти бепарво ўтиб кўрсин-чи! Айниқса ҳамёнида пули бўлса.

«Буюм бозори» масъулияти чекланган жамият бошқаруви икки йилдан буён имкон доирасида бундай нохуш ҳолатни бартараф этишга уриниб келмоқда.

Дастлаб ички ишлар бўлимининг бозордаги участка нозирлари, солиқ инспекциясининг таянч нуқтаси вакиллари иштирокида бир неча бор жамиятнинг умумий йиғилиши чақирилиб, бозорда қонунга хилоф равишда тилла буюмлар билан савдо қилувчиларга таклиф этилган ва уларга Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-қарорида белгиланган қоидалар атрофлича тушунтирилган. Улар ноқонуний савдосини тўхтатишлари лозимлиги ҳақида қайта-қайта огоҳлантирилган. Бироқ бу гап-сўзлар тиллафурушларнинг у қулоғидан кириб, бунисидан чиқиб кетаверган.

Шу боис раҳбарият бозорда тилла буюмлар билан ноқонуний савдо қилинишига йўл қўймаслик учун ёрдам сўраб тегишли идораларга ёзма равишда мурожаат қилган. Хусусан, яқинда вилоят «Бозор» очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари фаолиятини мувофиқлаштириш бирлашмаси бошқаруви вилоят ҳокимининг ўринбосари П.Тангриевга худди шу мазмунда хат йўллаган. Афсуски, уларнинг арз-доди бутунлай эътиборсиз қолдирилаётир.

Қоидага кўра тилла буюмлар билан савдо қилувчи кишилар Молия вазирлиги ҳузуридаги қимматбаҳо тош ва металлар қўмитасининг давлат проба палатасидан қайд гувоҳномаси олишлари шарт ва белгиланган жойлардагина савдо қилишлари лозим.

Ҳайратланарли томони шундаки, маълумотларга қараганда Термиздаги «Буюм бозори»да айни пайтда шу турдаги савдо билан шуғулланаётган юзга яқин кишининг биронтаси ҳам бундай гувоҳномага эга эмас. Бунинг устига улар на маҳаллий бюджетга, на бозор ғазнасига сариқ чақа ҳам тўлашмайди. Шунга қарамай эминэркин жарақ-жарақ пул топишаяпти.

Наҳотки, уларнинг мушугини пишт дейдиган мард топилмаса?!

Қурбон ЖЎРАНАЗАРОВ,
«Huquq» мухбири

**BILIB QO`YGAN YAXSHI**

**Дипломатик уддабуронлик фақат сиёсатга тегишли эмас. Кундалик турмушда ҳам биз бошқаларни ўз йўриғимизга юргизмоқчи бўламиз. Мулоҳаза билан иш битирувчилар-чи, улар ўз мақсадига қандай эришадилар?**

# МУОМАЛА САНЪАТИ — ҒАЛАБА ҲОМИЙСИ





Дипломатия олий ўқув юрти талабалари битирув имтиҳонини топширмоқдалар. Домла ўртага савол ташлади: «Тасаввур қилинг, сиз меҳмонхонага жуда кеч, бироз ширакайф бўлиб қайтдингиз ва адашиб бошқа хонага кириб қолдингиз. Қаршингизда ҳаммомдан чиққан, қўрқувдан донг қотган бир жувон турибди. Бу ноқулай вазиятдан усталик билан қандай чиқиб кета олардингиз?» Инглиз талаба: «Ҳақиқий жентльмен ҳар қандай вазиятда совуққон бўла олиши керак. Довдираб қолган мухолиф билан силлиққина хайр-хўшлашган маъқул. «Кечирасиз!» дея хонадан чиқиб кетаман». Француз: «Буни қаранг, афсонавий Венера ерда соҳибжамолга айланибди-да! Ҳаяжонимнинг изҳори сифатида сизни бир қадаҳ шампан виносига таклиф қилсам майлими!» — деди. Икки талаба ҳам имтиҳонни муваффақиятли топширди. Аммо энг юқори баҳо олган немис талаба эса шундай таклиф киритди: «Мени сир бой бермасдан: «Ким бу? Кечирасиз, мени 17-хонага олиб боролмайсизми? Менинг кўзим кўрмайди», — деган бўлардим». Иккала талаба хушмуомалалик қоидаларига риоя қилган ҳолда узр сўрашди, хушомад айтиб, шампан виноси билан ҳам сийлашди. Муомала санъати эса учинчи талаба кўрсатганидек кўпроқ фаҳм-фаросат талаб қилади. Ўзини кўр деб таништирганда талаба учун ялангоч ва кийинган ўртасидаги фарқ йўқолиб, ортиқча ўнғайсизликнинг олди олинади.

Бир неча аср аввал муомала билан иш битириш иқтидорли инсонларнинггина қўлидан келган бўлиб, улар жумласига Ришелье, Меттерних, Талейранд ва Бисмаркларни киритиш мумкин. XX асрда эса даҳолар ўрнини халқаро ҳуқуқ битимлари эгаллади. Шу сабаб кундалик турмушда муомала санъатига катта қизиқиш уйғонди. Ишингиз осон битишини истайсизми, оғир вазиятларда фарзандларингизга ниманидир тушунтирмоқчи бўласизми ёхуд ғазабланган қавм-қариндошларингиз орасига тушиб муросаи мадора қиласизми — муомаладаги устамонлик сиз учун ғалаба ҳомийсидир.

Ўзингизда раҳбарликка даъвогарлик истагини ҳис этган бўлсангиз, қуйидаги маслаҳатлар сизга асқотади. Ижтимоий ҳокимият уч нуқтаи назардан нисбийдир:

**1) Ички мутлақ ҳокимиятга эришган одам, ўз таъсир доираси, куч-қудратини сақлаб қолиш учун кўп масъулиятни ўз зиммасига олишга мажбур бўлади. Бу эса қўл остидагиларнинг унинг «ноғорасига ўйнаш»ини тақозо қилади. Ўз мақсадига эришишни биладиган айёр душман, албатта бундай қалтисликни қўлдан бой бермайди;**

**2) Бошлиқ ишчиларнинг иш унуми учун масъулдир. Унинг берган кўрсатмалари ишчилар томонидан ўзгарган, янглиш бўлиб етиб келса бу камчилик янги фармойишлар билан тузатилади. Бу эса кўп ҳолларда ишчилар ўз манфаатлари, ўзларини ташқаридан ҳимоялаш йўлида вақти билан бошлиқдан қалқон сифатида фойдаланиш, вақти билан уни қўғирчоқдек бошқариш учун қўл келади;**

**3) Кучлар ўртасидаги нисбат даврий ўзгаришларга боғлиқ. Ўз куч-қудратини аёвсиз намойиш қилавериш мағлуб бўлганларда ўзини тажовузкордан ҳимоялашга зўр бериш кайфиятини уйғотади. Масалан, кимки қарама-қарши томонни номақбул шартнома тузишга мажбур қилса, ҳамкор исталган вақтда битимни бузишга ўзи шароит яратган бўлади.**

Дипломатия қонун-қоидалари нафақат бошқарувчилар, балки бошқарилувчилар учун ҳам фойдалидир. Кимки куч-қуввати, пули ва обрўсидан фойдаланмас экан, ўздан кучлилар қўлида узоқ муддат ўйинчоқ бўлмаслиги керак. Акс ҳолда, у ўзаро манфаатлар мос тушиши туфайли пайдо бўладиган фитналар қурбонига айланиши турган гап.

Барча оилавий руҳшунос терапевтлар дуч келадиган муаммо: узоқ йиллар бирга яшаган эр-хотин уларни боғлаб турувчи ўхшашликка қарамай баъзан икир-чикирлар туфайли жанжаллашадилар. Муомалага уста бўлганлар бу ўринда ўзига хос услуб қўллайдилар. Улар оз бўлса-да мавжуд ўхшашликка таяниб қолган келишмовчилик ва зиддиятлардан кўз юмадилар. Улар тўхтовсиз қуйидаги саволларга жавоб қидирадилар: «Қайси ҳамкор орқали мен таъсир доирамни мустаҳкамлашим мумкин?» Бундан эса яна бошқа савол пайдо бўлади: «Ўзаро қандай умумийлик мақсадга етишишим учун менга қўл келади?» Шу сабаб улар тез-тез: «Бу масалада мен сизнинг фикрингизга қўшиламан», «Биз бу ишни бирга ҳал қилсак нима дейсиз?» қабилидаги саволлар беришади. Ўхшашликдан ижодий фойдаланиш жуда осон бўлиб, Францияда ўтказилган қуйидаги тажриба бунга мисолдир. Машҳур савдо дўконлари жойлашган катта кўчада талаба икки соат ўтган-кетганлардан: «Кечирасиз, қўнғироқ қилиш учун 1 франк бера олмайсизми?» деб илтимос қилган. Кейинги куни тажрибага бироз ўзгартириш киритилди. Талаба аввал: «Соат неча бўлганини айтолмайсизми? дегач, кейин қўнғироқ учун пул сўрайди. Натижа ўтган кунга қараганда тўрт баравар яхши. Сабаб: тажрибанинг иккинчи куни берилган биринчи саволда талаба эвазига пул талаб қилмайди ва йўловчилар руҳиятида «Сен — сўровчи, мен — қондирувчи» кайфиятини уйғотади. Бу илтимосни ихтиёрий равишда бажарган йўловчи кейинги «пулли» саволни рад қилишга мулзам бўлади. Шу сабаб куннинг уста дипломатлари ҳеч қачон дарров ишдан биринчи бўлиб сўз очмайдилар.



Манфаатлар ўхшашлигини аниқлаш кўп муаммоларни ечишда асқотади. Масалан, ажрашаётган эр-хотинлар бола тарбияси кимнинг зиммасида эканлиги тўғрисида тортишадилар, аммо, фарзанднинг хоҳиш-истаги ота-онанинг умумманфаатидир. Икки хизматчи мўмай даромад илинжида: улар кўзлаган мақсадларининг мослиги уларнинг муваффақият ва ҳокимият ҳақидаги фикрларининг ўхшашлигини билдиради. Фарзандларнинг умуман бир-бирига ўхшамаслиги мумкин эмас. Ака спорт ишқибози, сингил эса табибликка қизиқади — иккаласи ҳам жисмонан бақувват бўлишни истайди.

Одамларни дўст, душман ва томошабинларга ажратиш собиқ тузумларга хосдир. Ҳозир ҳам дўстларимизга хайрихоҳлик билдирамиз, душманларимизга эса ишонмаймиз. Ҳақиқий дипломат эса ҳар кимдан ишончли ҳамкор сифатида фойдалана олади. У ўз шахсий майллиги ёхуд нафратини ўзидан соқит қилади. Унинг учун фақат манфаат бўлиб, у турлича ниқобланиши мумкин. Лекин «дипломатларга ишониб бўлмас экан-да», деган фикр нотўғри. Улар томонлар мажбурияти ҳақида бош қотирадилар. Бу эса қуруқ ваъда ортида мустаҳкам алоқа ўрнатилишидан далолат беради. («Мен ваъдамда турганимни у ҳам ҳисобга олади, акс ҳолда унга шунга яраша жавоб қайтараман»).

Бирон бир мақсадда ҳамкорлик қилишни ва бу ҳамкорлик мустаҳкам бўлишини истасангиз, бировлардан ҳадеб ёрдам сўрамасдан ўзингиз мустақил равишда мақсадингизни тўғри ифодалашни ўрганганингиз маъқул. Масалан, бир ҳамшира тунги навбатчиликдан сўнг уйида кундузи ухлаб дам олишга мажбур эди. Қўшни нафақахўр чол эса бу вақтда болға уриб, пармалаш билан овора, қонунда рухсат берилганидек соат 7гача. Ҳамшира қўнғироқни босиб, эшик очилганда чолга унинг бераҳмлиги тўғрисида таъна қилиш ўрнига шундай дейди: «Мабодо тобингиз қочиб, тиббий ёрдамга муҳтож бўлиб қолсангиз, ишга ухламай келган ҳамширанинг қўлига тушишни истармидингиз?».

Томонлар муносабати жуда кескинлашганда ҳам дипломатик маҳоратдан унумли фойдаланса бўлади. Ҳеч қандай тажовуз, таъна ёхуд дўқ-пўписа ҳақиқий дипломатни таслим қила олмайди. Рақиб: «Ё мен айтганимни қиласан, ё мана бундай қилиб юбораман?» деб пўписа қилганда дипломат, албатта, «Нима?» деб сўрайди. Бир қарашда рақибнинг талабини ё қондириш ё уни рад қилиш керакдек. Лекин дипломатлар ҳар қандай пўписани музокара йўли билан бартараф қилиш мумкинлигини яхши биладилар. Йўқса дўқ ўрнига рақиб аллақачон айтганини бажарган бўларди. Шу сабаб дипломат пўписани эмас, унинг ортида яширинган, рақиб олға сурмоқчи бўлган таклифни қадрлайди. Бошлиқ: «Бу муаммо худди мана шундай ечилиши керак. Эътирозларга ўрин йўқ!» — деб пўписа қилганда ҳам дипломат: «Жуда қизиқ ташаббус. Нега сиз айнан шу ишга катта эътибор бераяпсиз?» деб савол бериши турган гап. Жавобни тинглаб бўлгач, у бошлиқ қўйган талабни бошқачароқ қондириш тўғрисида фикр юритади ва янгича таклиф билдиради. Ҳеч қандай тажовузсиз билдирилаётган таклиф бошқалар томонидан хайрихоҳ қабул қилинади ва эътиборга олинади. Таклиф рад этилганда ҳам ҳеч ким бундан ютқазмайди.

Вақтинчалик чора-тадбирларнинг қуйидаги ижобий томони бор: қарашлар бир-биридан узоқ бўлишига қарамай сулҳ эҳтимолдан холи эмас; қатъий чора кўриш ҳеч ким учун наф келтирмайди; хато бўлиб чиққан қарорни тезда ўзгартириш мумкин. Ҳеч ким ўз нуқтаи назаридан воз кечиши шарт эмас. Икки томон ҳам ишни бир бор амалда синаб кўриб, ўзаро тажриба алмашиб, кейинчалик биргаликда иш олиб бориши мумкин.

Дипломатияда муросанинг бир неча турлари бор:

**1) «Галма-гал» — ҳал қилишда томонлар ҳар сафар ташаббусни алмашиб қўлга оладилар («Бугун — менинг айтганим, эртага — сенинг айтганинг бўлади»).**

**2) «Биргаликда воз кечиш» — иккала томон ҳам нуқтаи назарлари мос тушадиган фурсат келгунича ўз талабларидан воз кечадилар. Бу айниқса, иқтисодий имконият чекланган дамларда қўл келади.**

**3) «Келишмасликка келишиш» — фақат сиёсатда эмас, бахтли оилаларда ҳам бартараф қилиб бўлмайдиган зиддият ўз ҳолига ташлаб қўйилади.**

**4) «Ижодий ҳамжиҳатлик» — томонлар муаммога ечим топиш учун бирга ҳаракат қиладилар. Хотин футболга боришни истамайди, эрнинг эса опера эшитишга тоқати йўқ. Охири иккови боулинг ёхуд тоққа саёҳатга боришга келишади.**

**«Psychologie heute» журналидан Гулгун СУЛТОНОВА таржимаси**

DIQQAT, FIRIBGAR!

**Ўғил-қизининг келажагини ўйлаган ота-она борки уларни ўқитишга, маълумотли қилишга ҳаракат қилади. Бу йўлда ўзларини ўтга-чўққа урадилар ҳам. Бу яхшиликка албатта. Лекин айрим ота-оналар борки, фарзандининг қобилияти-ю билим даражасини ошириш, олий ўқув юртларида ўқиш учун муносиб билим олишига эътибор бериш ўрнига, уларни катта пуллар эвазига ўқишга «жойлаш»ни маъқул кўрадилар. Тўғри йўл қолиб қинғир йўллар билан боласини маълумотли қилиш ҳаракатига тушиб қолган ана шундай ота-оналар фирибгарларга чув тушсалар ҳеч ким ажабланмайди: «сўқмоқ йўлда қароқчилар кўп бўлиши» эскидан қолган гап...**




# ТЎҒРИ ЙЎЛ ҚОЛИБ ҚИНҒИР ЙЎЛНИ ТАНЛАМАНГ

Ўқув йили якунланиб, олий ўқув юртларига қабуллар бошланиши билан Зумрад опа ҳам ҳаракатга тушиб қолди. Ахир шундай мавсумни «пашша қўриб» ўтказиб юбориш оғзидаги ошни олдириш билан баробар-ку! Шу йўлар билан безовта юрган қаҳрамонимизга «ўлжалар»нинг ўзи дучор бўлаверди.

2000 йил. «Пойтахтга қараганда вилоятларда «иш қилиш» осон. У ёқларда одамлар содда, ишонувчан. «Фалон жойда ишлайман» десанг, тамом, авлиёга ишонгандай ишонишади. Омадим келса бирор пулдорнинг ўзи дуч келади менга». Халқ таълими вазирлигидан ишидан маълум сабабларга кўра бўшаган қаҳрамонимиз шу йўларда ўзи туғилиб ўсган Андижонга йўл олади. Зумрад опанинг ростдан омади келди. Ўғли Тошкентдаги Ҳарбий билим юртларидан бирига ҳужжат топшириб, имтиҳонлардан ўтолмаган Ойшахон исмли опахоннинг ўзи уни қидириб топди.

— Ўғилгинамнинг ўқишини тўғрилаб берсангиз, дўст-душманнинг олдида юзимиз ёруғ бўларди-да, синглим. Ўзингизнияни рози қиламан. Қанақа харажат бўлса, мана мен тайёр, — деди Ойшахон опа ўзини вазирлик ходими ва казо-казо танишлари бор зот деб таништирган Зумрад опага.

— Қизиқ гапларни гапирасиза, опа. Бир жойнинг одами бўлсак, «рози қиламан» дегандингиз нимаси?! Бир ариқдан сув ичган одамлармиз-а!

— Шундай дейсиз-ку, лекин...

— Лекин-пекини йўқ, ўғлингиз шу йилнинг ўзида Тошкентдаги Ҳарбий билим юртида ўқишни бошлайди. Буни мен сизга айтаяпман.

— Раҳмат, раҳмат синглим. Ҳаражати қанча буларкин?

— От билан туя бўлмас. Ўғлингиз ҳарбий бўлмоқчи экан, уни табриклаш керак. Офицер бўлиш ҳаммагаям насиб қилавермайди. Йигитчанинг райини қайтариб, пулига қаттиқлик қилмайсиз энди. Бўлиши 1000 доллар. Бу харажатнинг ўзи. Менга шахсан, бир сўмингиз керак эмас. Сиздай опамизга бир холис хизмат қилсам ерда қолиб кетмас.

«Шундай олижаноб инсонлар ҳалиям бора?! Пул эмас жонингни берсанг ҳам кам». Шу ўйларда ҳеч нарсани суриштирмай Зумрад опага 1000 долларни бериб юборган Ойшахон опанинг кейинги пушаймонидан фойда йўқ эди...

2001 йилнинг ёзи. Муаззам исмли ҳамюртимиз ўғли Умиджондан умидлари катта экан. Шу сабабдан Умиджонни Тошкент Давлат Техника университетининг Нефть ва газ факультетида ўқитишга аҳд қилади. Шу орада келиб-келиб Зумрад опага дуч келади ва муддаосини айтади.

Зумрад опа эса биз билган анойилардан эмас, «ўлжа»ни қўлдан чиқармайди.

— Университет катта даргоҳ. Унда ўқиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди, ё кучли билим керак ёки анча пул, — деди Зумрад опа ўзининг гипноз санъатини бошлар экан. Албатта, у мижозига ўзининг олдин судланиб қамалгани ва амнистия билан озодликка чиққани ҳақида гапирмади. Ўзини Халқ таълими вазирлиги ходими дея таништирар экан, гапининг тасдиғи учун қизил муқовали гувоҳномани кўрсатишни унутмади. Бир пайтлар ишлаган идорасидан берилган, ишдан бўшаганидан сўнг топширилмаган бу гувоҳноманинг муддати ўтганидан Муаззам опа турган гапки бехабар эди.

— Қанча бўлади, қиммат эмасми? — ўғлининг келажаги гўё ёнида турган мана шу аёлга боғлиқдай сўради мўлтираганча Муаззам опа.

— Сиздай ўзига тўқлар учун қимматлик қилмасов. Ўзи қанча атагансиз, эркатойизга? — сир бермай сўради Зумрад опа.

— Минг долларга битса жон дердим...

— Камроғу, лекин тўғриласа бўлади. Буям бўлса сизнинг ҳурматингиз учун синглим. Яхши аёлга ўхшайсиз, насиб бўлса кейин опа-сингил бўлиб кетармиз...

Томонлар хурсанд: Муаззам опа ишнинг арзонга битишидан, Зумрад опа мижозининг соддалигидан. Пулни икки бўлиб, беш юз-беш юздан олди, шуниси ишончлироқ.

Августнинг имтиҳон жавоблари чиққан куни кўпчилик қатори Умиджон ҳам натижани билгани жўнади. Афсуски, талабаликка қабул қилинганлар рўйхатида унинг исм-шарифи йўқ эди. Шу жумладан 1000 АҚШ доллари ҳам ўз-ўзидан ғойиб бўлди. Зумрад опа учун бу «мавсум» ёмон бўлмади.

2002 йил. «Мавсум» Зумрад опа учун унча омадли келмади ҳисоб. Бу ёз унга «пул топиб ақл топмаганлар» келмади. Лекин омад келса эрта-кечи йўқ экан. Сентябр ойи билан бирга барча олий ўқув юртларида дарслар ҳам бошланиб кетган чоғлар. Юртимизнинг энг улуғ ва нуфузли олий ўқув юрти бўлган Ўзбекистон Миллий университетининг филология факультетида таҳсилни бошлаган Н. ва Ш. исмли талаба қизлар бу йўналишда ўқишга унчалик рўйхушлик беришмади.

Балки улар тилшунос эмас ҳуқуқшунос бўлиш учун туғилишгандир! Бу бизга қоронғу, лекин уларнинг ота-оналари қизларининг «филфакдан юрфакка перевод қилиш» ҳаракатига тушиб қолишгани ҳақидаги узунқулоқ гаплардан, уддабурон Зумрад опа хабар топди. Уларга ҳам ўзини вазирлик ходимаси сифатида таништиргач, яна гипноз санъатини ишга солади:

— Пулига чидасангизлар юрфак эмас, юридик институтга ҳам ўтказиб беришим мумкин. Қолаверса, менда танишлар кучли, тегишли одамлар билан тўғридан-тўғри гаплашаман. Шунинг учун анча арзонга тушади.

Ишнинг бундай осон битишини кутмаган ота-оналар «вазирлик ходимаси»га беш юз беш юздан минг долларни қуртдай санаб беришади. Уларнинг ҳам чув тушганини айтмасак ҳам тушунган бўлсангиз керак.

Шу тариқа йилдан йилга қаҳрамонимизнинг фирибгарлик маҳорати ошиб бораверди, чув тушганлар додини кимга айтарини билмай қолаверди. Жабрланувчилар ҳуқуқ-тартибот органларига мурожаат қилишгачгина унинг қилмишлари тўлиқ фош этилиб, тегишли жазога тортилди. Шу тариқа яна бир супер фирибгар фаолиятига нуқта қўйилди.

**Олим ЭШБОҚОВ,**
**Собир Раҳимов туман прокурорининг ёрдамчиси**
**Шавкат ЁДГОРОВ,**
**«Hiqiq» мухбири**

TURMUSH CHORRAHALARIDA...

# ҚЎШНИ АЁЛНИ ҚУТҚАРИШДИ

**Тунги сукунатни бир аёлнинг чинқириғи бузди. «Ёрдам беринглар! Ёрдам беринг, Володя амаки! Уйимга ўғри тушиб ураяпти!». Владимир Борисович бир соатча аввал ётган бўлса ҳам уйкуси келмай, ниҳоят кўзи илинганди. Ўғли Андрей онаси билан гаплашиб ўтирарди. «Тур, қўшнини кимдир ўлдирмоқчи шекилли, дод деб ёрдам сўраяпти!». Хотини Людмиланинг сўзларини эшитиб, шартта ўрнидан турди. Апил-тапил кийинди-ю, эшикка югурди. Андрей кўчада қўшнининг эшигини очишга уринаётганди. «Тезроқ, девордан ошиб тушинглар» деди ичкаридан қўшни аёл.**

— Эшикдан чиқиб қочмасин, шу ерда туринг, — Андрей шундай деди-ю югуриб ҳовлига кириб, отасига болтачани ирғитди. Ўзи таёқ олиб, девор ошиб тушди. Дарвозахонада нотаниш кимса турарди.

— Пичоқни ташла, — деди Андрей таёқ ўқталиб.

— Сениям сўйиб ташлайман, — бўкирди нотаниш киши айвон тарафга тисарилиб. Андрей эшик занжирини туширди. Болта билан қуролланган Владимир Борисович ҳовлига кирди. Раънохоннинг бўйни қонаганига кўзи тушиб, ичкарига кириб боғлаб ол деди унга. Аёл айвонга қараб юрди. Ота-бола нотаниш кимсани икки тарафдан бурчакка қисиб боришаётганида у тўсатдан айвон томонга қочди. Ота-бола унинг ортидан айвонга киришганда у диванга чиқиб олган, тўхтовсиз «яқинлашма, ўлдираман» дер эди.

— Ташла пичоқни! — буюрди Владимир Борисович. — Болтани отсам, тамомсан!

— Ташла, — буюрди Андрей ҳам. — Барибир тортиб оламан!

Уларга бас кела олмаслигига ақли етган кимса ниҳоят қўлидаги пичоқни полга ташлади. Владимир Борисович унинг башарасига бир мушт солди. Ўғли қўлларини қайирди. Полга ўтқизиб чирмаб боғлашди. Андрей айтиб чиққан Людмила опа Раънохоннинг тилинган юзи ва бўйнига пахта қўйиб, бинт билан боғлади. Телефонда «тез ёрдам» ва милицияни чақирди...

Йигирма олти ёшга кирган Алихон Абдуллаев ҳарбий хизматни ўтаб келгач Марғилондаги «Атлас» фирмасида, кейинчалик хусусий корхоналардан бирида қўриқчи бўлиб ишлар эди. Бироқ бу иш унга тўғри келмади. Икки йил аввал уйланиб фарзанд кўрган. Фарғона шаҳар М.Қосимов кўчасидаги кўпқаватли уйда яшар эди. Қайнона-келиннинг муросаси келишмай, онасининг номидаги мана шу уйга кўчиб ўтишганди. Охирги иш жойидан ҳам бўшаганидан сўнг отасига учраб, яшаб турган уйини сотишга рухсат сўради.

— Хотинимнинг тоғаси Москвада, мени чақираяпти, яхши иш бор экан. Уйни сотиб йўлкира қилсам, пул жўнатгунимча ортганини келинингиз ишлатиб турса, — деди.

Ота-онаси кейинини ўйлаб, уни фикридан қайтаришга уринишди. Бироқ Алихон тўнғич ўғил, ўжар, феъли айниса, айниқса ичиб олганида уларни ҳам беҳурмат қилишдан тоймасди.

— Билганингни қил, — деди ниҳоят отаси гапга кўндиролмагач.

У уйни сотиб, хотини билан Москвага отланди. Бироқ бугун-эрта Нилуфарнинг кўзи ёриши мумкин эди. Шунинг учун сафарлари ортга сурилди. Қизли бўлишди. Икки-уч ой ўтгач Алихон яна Москвага отланди. Отаси Азиз ака бирга борадиган бўлди. Ўтган йилнинг декабр ойида улар Россия пойтахтига йўл олишди. Бироқ Нилуфарнинг тоғаси ваъда қилинган ишга жойлаштира олмади. Ижара машинада ишлаб, ижара ҳақидан бирон нарса орттира олишларига кўзи етмай, бир ойда изларига қайтишди. Алихон оиласи билан Фарғона ипак ишлаб чиқариш корхонаси ҳудудидаги бировнинг ҳовлисида бир хонани ижарага олиб яшаб туришар эди. Йигирма кунча ижарада туришганидан кейин хонадон бекаси дастлабки келишилган ижара ҳақини оширди. 5 минг ўрнига 8 минг сўм тўлашни талаб қилди. «Бўпти, бошқа уй топамиз!», — деди Алихон.

Ўша 2004 йил 25 январ куни у кечгача танишларидан ижара уй суриштирди. Отасининг гапига кўнмай, тайёр уйни сотиб юборган аламзада винога ароқни аралаштириб тўйгунча ичди. Кечки соат саккиз яримларда шу маҳаллада, Набиев кўчаси 120-уйда яшовчи қариндоши Саиджамолхонларнинг дарвозасини тақиллатди. Саиджамолхон Россияга кетган, хонадонда оиласи ва онаси бирга тиришарди. Раънохон эрталаб қайнонаси Мастура опани Тошкентга, қайнсинглисиникига кузатиб қўйганди. «Ким у?» деб сўради. «Мен, қариндошларинг Азиз аканинг ўғлиман». Раънохон уйларига тез-тез келиб турган қариндошларининг ҳурмати учун эшикни очиб, уни уйга киритди. Айвонда бироз гаплашиб ўтириб, ичкари хонада конспект ёза бошлади. «Парвоз» гимназиясида дарс берар эди. Алихон Раънохоннинг ўн-ўн икки яшар ўғиллари билан телевизор кўриб, гаплашиб ўтирди.

— Кеч бўлди энди, уйга боринг, биз ҳам ётиб ухлаймиз, — деди Раънохон. Маст-аласт Алихонга уни уйдан ҳайдашаётгандек туюлди. Феъли айниди. Кўча эшигини очмоқчи бўлган Раънохонни уриб, ерга йиқитди. Ошпичоқ билан юзини, бўйнини тилиб юборди. Раънохон қўшнини ёрдамга чақирди. Югуриб чиққан ўн икки яшар ўғлига ҳам жонҳолатда «Володя амакингни чақир» деди...

Инсоний бурчини адо этган Владимир ва Андрей Мартемяновлар қўшниси Раънохон Алимовани бир ўлимдан асраб қолдилар.

Владимир Борисович пенсияга чиқиб томорқа ишлари билан банд, хотини Людмила опа Фарғона такси саройида муҳандис бўлиб ишлайди. Ўғиллари Андрей оғир атлетика бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси, Ўзбекистон терма командасининг аъзоси. Бировга қўлидан келганча ёрдам беришга одатланган бу оиланинг олижаноб фазилатлари ибратлидир.

Шифокорларнинг ёрдами билан Р.Алимованинг ҳаёти сақлаб қолинди. Қариндошининг жонига қасд қилган А.Абдуллаевга суд тегишли жазо тайинлади.

**М.ТЕШАБОЕВ,**
**Фарғона шаҳар прокурори**

▼ MASHHURLAR HAYOTIDAN



**Уэлс маликаси Диана 1997 йил августнинг 31-куни Парижда автоҳалокат сабабли оламдан ўтди. Ўша машъум воқеадан сўнг 6 кун ўтгач, Лондон кўчалари уни хотирлаш учун келган миллиондан зиёд одамлар билан тўлди. Улар Англия, Шотландия, Ирландия, Франция, Испания, Германия, Австрия каби мамлакатлардан келишган эди. Дианани севганлар қўлларида гул билан тун бўйи маликани машинада олиб ўтишларини кутиб кўчада тонг оттиришди. Эрта тонгда Дианани сокин кўчалар бўйлаб олиб ўтишди ва ҳамма у билан видолашди. Дунё бўйича миллиардлаб одамлар дафн маросимини телевизор орқали кузатишарди. Ҳа, инсонпарвар малика Диана ўлди, энди у йўқ. Ҳамма сукутга чўмган... У ким, ҳаётлигида қандай иш билан машғул эдики, одамлар уни шу қадар ёқтириб қолган?**

# *Малика* ДИАНА

## ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА

### БАХТЛИ БЎЛМАГАН БОЛАЛИК

Диана Спенсер 1961 йил 1 июлда Англиянинг Сендрингхемида туғилган. Англия қироличасининг Сендрингхемда катта уйи бор эди. Унинг ота-онаси қиролича билан дўст тутинишганди. Диананинг иккита катта опаси бўлиб, у оилада учинчи фарзанд эди. Лекин отаси ўғилли бўлишни хоҳларди. Ниҳоят, икки йилдан сўнг унинг укаси туғилди. Диана укасини жуда яхши кўрар, ҳамиша у билан бирга ўйнарди. Аммо уларнинг ота-онаси турмушда бахтли эмас эдилар. Диана 8 ёшдалигида улар ажрашишди. Онаси Шотландияга турмушга чиқиб кетди. Тўрт фарзанд эса ота билан қолди, лекин оналарини кўриш учун Сендрингхемдан Шотландиягача юзлаб километр йўл босиб борардилар. Отаси болаларни эрталабки поездга ўтқазиб юборар, кечқурун улар онаси ёнида бўлишарди. Поездда Диана ўзини шодон тутса-да, ота-онасининг тақдиридан изтиробга тушарди.

Диананинг отаси бадавлат киши эди. У 1975 йили фарзандлари билан Алтроп деб номланувчи катта уйга кўчиб ўтди ва Рейн исмли аёлга уйланди. Бу вақтда Диана 16 ёшда эди. Оиладаги бошқа болалар қатори Диана ҳам ўгай онаси бўлишини истамасди, шу боис Рейннинг ташрифи унга ёқмади ва дастлабки вақтда у билан умуман гаплашмади ҳам. Диана мактабда яхши ўқимаса ҳам болаларни севар, уларга қўлидан келганча ёрдам беришга ҳаракат қиларди. У турли ўйинларни, сузиш, югуриш ва рақсга тушишни яхши кўрарди. Бўйи баланд бўлишига қарамай раққоса бўлишни орзу қиларди.

### ИЛК МУҲАББАТ...

Диана 16 ёшида Лондондаги мактаблардан бирига ишга кирди. У болаларни қанча севса, болалар ҳам уни шунча яхши кўришарди. Диананинг опаси қироличанинг ўғли Чарлз билан дўст эди ва шаҳзода уни кўриш учун Алтропга келиб турарди.

Бир куни тасодифан Диана опасининг ёнига келган Чарлзни кўриб қолди ва у билан саломлашди.

— Мен сени телевизорда кўрдим, жуда маъюс эдинг, — деди қиз.

— Ҳа, катта амаким лорд Люис Маунтбеттаннинг дафн маросимида эдик. У яхши одам эди, жуда яхши кўрардим...

Диана очиққўнгил қиз эмасми, дарров Чарлзнинг қайғусига шерик бўлиб, кўнглини кўтаришга ҳаракат қилди. Улар шу тариқа дўстлашишганди.

Ҳамма шаҳзода Чарлзнинг қайлиғи кимлигини билишни истарди. Журналист ва суратчилар бу ҳақда Дианадан ҳам сўрашарди. У эса жавоб бермасди. Чунки шаҳзода ёшлигидан Камилла Паркер Боулис билан севишиб юрган, аммо қиз бошқа йигитга турмушга чиқиб кетганди. Шундай бўлса-да, Камилла хуфиёна тарзда Чарлз билан учрашиб юрарди.

Шаҳзоданинг уйланадиган вақти келганида ўзига фақат Дианани муносиб деб ҳисоблади. 1981 йил 6 феврал куни Виндзор қасрида Чарлз Диананинг қўлини сўради. У аввалига кулди, кейин таклифнинг жиддийлигини билгач розилик берди. Бу вақтда қизнинг ёши йигирмага яқинлашган бўлиб, унинг биринчи дўсти ҳам, илк муҳаббати ҳам Чарлз эди. Шундай қилиб, 1981 йилнинг 29 июлида Диана шаҳзода Чарлзга турмушга чиқди. Лондон кўчалари одамларга тўлиб кетди, газета ва журналларнинг илк саҳифасида никоҳ маросими ҳақидаги шов-шувли мақолалар, келин-куёвнинг суратлари босилди.

Аввалига улар жуда бахтли эдилар. 1982 йил 21 июнда шаҳзода Уилям туғилди. Айтиш мумкинки, малика Диана фарзанди учун масъулиятли, ғамхўр она бўлди. Гарчи у шаҳзоданинг рафиқаси сифатида тез-тез бошқа давлатларга сафарга борганлиги боис уйда кам бўлса-да, бор меҳрини фарзандига бахшида этди. 1983 йилнинг баҳорида умр йўлдоши билан Австралия ва Янги Зеландияга борди. Қаерга бормасин, аҳоли малика Дианани кўришни хоҳлар, матбуотда у ҳақда тўхтовсиз гапирилар, кўчалар одамларга тўлиб кетарди. Улар Дианага атаб гул келтириб ўз қўлига беришга интилардилар. Шаҳзода Чарлз эса бир четда қолиб кетарди.

— Ҳечқисиг йўқ, — дерди у кулиб. — Мен хотинимнинг гулларини кўтариб юришга келганман. Мен эркак кишиман, мен учун бу унчалик муҳим эмас.

У тилида шундай деса-да, дилида бошқа гап бўларди. Хотинига кўрсатилаётган эҳтиром унинг ғашига тегарди. Бу эса Дианага оғир ботарди.

Унинг суратларини журнал саҳифаларини безар, сураткашлар маликани расмга олишдан чарчамасдилар. Диананинг ўзи эса уларнинг таъқибидан чарчаган эди. У ёш, чиройли, бахтли кўринса-да, аммо кўп касал бўлар, изтироб чекарди. Бунинг сабабчилари шаҳзода ва унинг маъшуқаси Камилла эди. Чунки эри Камилла билан ҳамон пинҳона учрашиб турарди. Бу эса Дианага ёмон таъсир қилиб, ўзини бахтсиз ҳис этарди. Букингем саройида маликанинг дўстлари кўп эмасди, ўзини ҳамиша ёлғиз санарди. Хотинининг кўп касал бўлиши эса эрининг жаҳлини чиқариб, яна маъшуқасиникига йўл оларди.

### УЗИЛГАН РИШТА

Диананинг иккинчи ўғли Гарри 1984 йил 15 сентябрда туғилди. Бу вақтга келиб малика ва шаҳзоданинг муносабатлари ёмонлашган эди. Камилла Диананинг асабига тегканди. Бир куни бу ҳақда сўз кетганда Диана «никоҳимиз учликдан иборат, бунинг оқибати эса яхши бўлмайди» деганди. Дарҳақиқат, бу зиддият узоққа чўзилмади.

У эри билан 8 йил фақат болалари учун яшади. Гарчи бирга яшашса-да, иккови икки хил дунё эдилар. Малика ва шаҳзода 1992 йили муҳим учрашувлар сабабли Ҳиндистонга боришди. Диана ҳамиша «Тожмаҳал»ни ўз кўзи билан кўришни орзу қиларди. Шунинг учун Аграга боришга аҳд қилди. Аммо негадир шаҳзода Чарлз бормади. Муҳаббат рамзи бўлгани учун у ерга одатда эр-хотин бирга боришлари керак эди. Диана эса ёлғиз борди. Юзлаб сураткашлар «Тожмаҳал» олдидаги ёлғиз маликани расмга олишди.

Газеталарга яна мавзу топилди, яъни шаҳзода хотинини севмас экан деб дунёга жар солишди. Баъзи журналистлар Чарлзни ёқлашса, баъзилари маликани оқлашарди. Ҳатто газеталарда маликанинг бошқа «дўсти» борми деган мулоҳазалар ҳам билдириларди. Бу Дианага руҳан таъсир қилмай қолмади. Шу воқеа сабаб бўлдими ёки муносабатлар шу қадар таранглашиб турганмиди, ҳарқалай ўша йилдан бошлаб Диана эри билан яшамай қўйди. 4 йилдан кейин эса расман ажрашди.

Диана икки ўғли билан Лондондаги Кенсингтон саройида яшарди. У Чарлзни севмасди (эҳтимол аввал севгану, кейин кўнгли қолгандир), шаҳзода эса болаларини жуда яхши кўрарди. Эр-хотин фақат ўғиллари сабаблигина муомала қилишарди. Диана ўзининг болалигини тез-тез эслар, бошидан ўтган кийинчиликлар фарзандларининг бошига тушишини истамасди. У ўғилларига яхши она бўлишга ҳаракат қиларди. Аммо оилада ҳаловат йўқ эди, сураткашлар унга соядек эргашиб, ҳол-жонига қўйишмасди.



### ДУНЁДАГИ ЭНГ ГЎЗАЛ АЁЛ

Диана ўзини аввал чиройли эмас эдим деб ҳисоблайди. Кейинчалик ўзига кўпроқ эътибор қаратганини таъкидлайди. Шу билан бирга тинимсиз ишлашга интиларди.

Француз газетаси дунё гўзалини аниқлаш учун сўровнома ўтказганида миллионлаб кишилар «Дунёдаги энг гўзал аёл — Диана» деб жавоб беришди. У нафақат ташқи, балки маънавий гўзаллик соҳиби ҳам эди. Диана ҳамиша одамларга ёрдам берарди. Касалхонанинг ёрдам бериш бўлимида мунтазам иш олиб борарди. Шаҳзода Чарлзни ҳам инсонпарвар бўлишга чақирар, у билан тез-тез касалхона ва меҳрибонлик уйларига боришарди. Хайр-эҳсон қилишарди. Шаҳзода Чарлз Диана очган меҳрибонлик уйига ҳам анчагина маблағ ўтказган.

Диана касалхоналарга бориб беморлар билан суҳбатлашар, кўнглини кўтаришга ҳаракат қиларди. Диана 1989 йили СПИДга чалинганлар касалхонасига борди. Умри тугаб бораётган беморлардан ширин сўзини аямади, қўлларини ушлаб таскин беришдан тортинмади.

— Бунинг нимаси ёмон? Ахир, улар бизнинг меҳр-муҳаббатимизга, мурувватимизга муҳтожку, — дея интервью берди матбуотга. Табиийки, бу гап дарҳол бутун дунёга тарқаб кетди (шундай пайтлардагина сураткаш-журналистларнинг фойдаси тегади).

Диана қаерга бориб саховат кўрсатса, ўша жойдаги бадавлат кишилар ҳам ундан ибрат олиб, ногирон болаларга ёрдам беришарди. У Ангола ва Боснияга борди. Миналардан халос бўлишимиз керак, ёмон нарсаларга ҳожат қолмасин дея даъват қилди. Диананинг «Дунёни миналардан тозалайлик» номли тинчликпарвар миссиясидан бутун дунё оёққа турди. У ҳамиша эзгу ишларга бош-қош эди.

### АЛВИДО, АНГЛИЯ АТИРГУЛИ!

Диана Ўртаер денгизига борганида Доде ал-Фаёд деган киши билан танишиб қолди ва улар орасида илиқ муносабатлар пайдо бўлди. Ниҳоят, малика ўзини Доде билан бахтиёр ҳис қилганга ўхшади. Ҳа, улар жуда бахтли эдилар.

Диана Доде билан 1997 йили Парижга келди. Аввалига «Ритс» меҳмонхонасига боришди. У ерда уларни тиниб-тинчимас сураткашлар кутиб турарди. Уларнинг таъқиби Диананинг асабига тегди ва меҳмонхонадан кетишга қарор қилишди. Оқшом тушиши билан қора рангли «Мерседес»га ўтириб Доденинг уйига бормоқчи бўлишди. Улар билан бирга 2 нафар қўриқчилари ҳам бор эди. Машина ортидан эргашган сураткашларни кўриб ҳайдовчи тезликни оширишга мажбур бўлди. Соатига 160 км. тезликда кетаётган машина катта тезлик туфайли ҳалокатга учради. Доде ва ҳайдовчи ўша жойда ҳалок бўлишди, Диана эса икки соатдан сўнг касалхонада вафот этди...

Маликанинг дафн маросими куни ва ундан сўнг ҳам минглаб одамлар Кейсингтондаги сарой олдига гул қўйиб кетишарди. Марҳумни укаси ва икки ўғли сўнгги манзилга кузатиб борди. Шаҳзода Чарльз ва унинг отаси шаҳзода Филипп ҳам улар билан бирга эди. Ҳамма ўзини йиғидан тўхтата олмасди.

Дунё аҳли севикли маликаси билан Элтон Жоннинг «Алвидо, Англия атиргули!» қўшиғини тинглаб видолашди. Ҳа, Диана халқнинг меҳрини қозона олган саховатли, инсонпарвар аёл эди. Ўзини бахтсиз ҳисобласа-да, ўзгаларнинг бахтини кўргиси келарди.

Уни ота уйи ёнидаги оролга дафн этишди. Диананинг укаси бу ерга сураткашларнинг киришини хоҳламади...

**Сохиба ҲАЙИТБОЕВА,**
**Дилдора АЛИМОВА**

MUSOHABA

**Иш юзасидан Довуд ака билан қонунчилик, адолат, одамийлик ва шеърият ҳақида гоҳ-гоҳ суҳбатлашиб турамиз. Баъзан гурунгимиз мунозарага айланиб кетади. Довуд ака битта сўз устида соатлаб тортишиши мумкин. Бу яхши, албатта. Аммо бугун суҳбатлашиш учун эмас, газетага мақола олиш учун у кишининг хонасига бош суққандим. Суҳбатимиз мавзуси ўз-ўзидан ҳуқуқий тарбия моҳиятига бориб тақалди.**

# Ҳуқуқий тарбия моҳияти

## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ПРОКУРОРИНИНГ КАТТА ЁРДАМЧИСИ ДОВУД МАЪДИЕВ БИЛАН СУҲБАТ



— Шунча йиллар қонунчилик тарғиботи соҳасида ишлабман-у унинг моҳияти ҳақида ҳеч ким билан суҳбат қурмабман. Келинг, сизга дилимни ёрай, — **деди Довуд ака.** — Аввало, инсон бирор соҳада фаолият кўрсатар экан, раҳбари ёки комиссия текширувидан чўчиб ишламаслиги керак. Киши ишининг мазмунини чуқур англаб ишласагина ўзи ҳам ҳузур топади, бошқаларга ҳам фойдаси тегади.

Ҳуқуқий тарбия ҳақида гапирадиган бўлсак, унинг ҳам ўзига хос, ҳали ҳеч ким ўйлаб кўрмаган томонлари бор. Менимча, ҳуқуқбузарлик — ҳуқуқий онгдаги нуқсонлар оқибатидир. Улар бартараф этилсагина қонунчилик мустаҳкам бўлади, фуқароларнинг фаоллиги ошади.

***— Сизнингча ҳуқуқий онг нима?***

— Ҳуқуқий онг инсоннинг юриш-туришини бошқарувчи асосий омил. Онг юксак даражада бўлса кишини жамият учун фойдали ишларга йўналтириши мумкин. Агар паст бўлса у жамият учун зарарлидир. Ҳуққа ҳурмат кишининг шахсий эътиқодига айланиши лозим. Шу ўринда ҳуқуқий тарбия қандай бўлса мақсадга мувофиқ бўлур эди деган савол туғилади. Шуниси аёнки, ҳуқуқий тарбия — аниқ мақсадга йўналтирилган фаолият. Бу борада маълум бир илмий ишлар борми билмадиму, аммо ҳаётда ҳуқуқий педагогика зарурдек туюлади. Чунки ҳуқуқий тарбия жуда мураккаб жараён. Унга ҳам илмий ёндошиш талаб этилади.

***— Бу жараёнда мақсадга эришиш учун нима қилмоқ керак?***

— Бунинг учун киши ҳуқуқий тамойил ва меъёрларни ўзлаштирибгина қолмай, унинг адолатли эканлиги ва зарурлигини тан олиши лозим. Оддий мисол: Жиноят кодексида «кўп хотинлилик» деган модда бор. Киши шуни билса-ю, унга қарши бўлса, барибир мазкур жиноятни содир этиши мумкин. Ёки порахўрлик ҳақидаги моддани билса-ю, ундан нафратланмаса эрта бир кун ўзи ҳам шу ишга мойиллик билдиради. Демак, кишининг қонун ҳақидаги ахборотни билиши уни бажариш учун етарли эмас. Қонунга итоат этувчи киши унга юракдан эътиқод қилиши лозим. Итоат этиш деганда қулларча бўйсунишни эмас, онгли равишда риоя этмоқни тушунмоқ керак.

***— Жиноят олами ҳақида кўп гапирамиз. Аммо унинг моҳиятига эътибор беравермаймиз. Жиноят тушунчасининг ўзи нима?***

— Жиноят тушунчаси кодексда аниқ битилган, яъни қонун йўли билан тақиқланган, айбли ижтимоий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик). У жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади. Англаш қийинроқ бўлган бу тушунча замирида оддий бир нарса ётибди: жамиятга қарши қандай ҳаракат қилсанг, шунга яраша жазо оласан. Буни билиш яхши. Шу билан биргаликда, жиноятдан ҳазар қилиш туйғуси қон-қонимизга сингиб кетиши лозим.

Жиноятчи низоли ҳолатга дуч келганда буни ҳуққа зид усул билан бартараф қилишни осон деб билади. Масалан, МЖТКда «ҳақорат қилиш» деган модда бор. Яъни, шахснинг шаъни, қадр-қимматини қасддан камситиш. Бу иш суд томонидан кўриб чиқилиб, тегишли миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Айримлар буни билмайди ёки билса ҳам уриш, сўкиш йўли билан ўзларича «жавоб» қайтариб, жаҳлга эрк бериб, жиноят қилиб қўйишади. Демак, ҳар бир киши муаммони қонуний йўл билан ҳал этишни ўрганиши керак.

***— Ҳуқуқий онгнинг шаклланишига қандай омиллар таъсир этади?***

— Бундай омиллар жуда кўп. Масалан, оилавий турмуши бузилганлар оила қонунчилигини ёки жиноятти учун судланганлар ЖК моддаларини ёддан билишади. Бу ҳам битта омил. Аммо бундан киши қонунни билиши учун бирор ҳуқуқбузарликни содир қилиши керак экан деган хулоса келиб чиқмаслиги зарур.

Қонунларни ҳаётий мисоллар билан тушунтирсак кўпгина кўнгилсизликларнинг олди олинган бўларди.

Яқинда бир йиғилишда мактаб директорининг маънавият ишлари бўйича ўринбосарлари олдида чиқиш қилдим. Уларга оддий бир гапни айтдим. Тўй-маъракада аёллар нима ҳақида гурунг қилади? Кимнинг қандай кийингани-ю, нима таққанлиги ҳақида. Лекин кимнинг боласи қандай тарбия олаётгани, қандай йўлга кириб кетганлиги тўғрисида гапирилмайди. Шундай пайтда боласи ёмон йўлга кириб кетган, ўзи эса зеб-зийнатга бурканган аёлларни уялтириш лозим. Шунда гурунг мавзуси бутунлай ўзгаради. Уларга маъруза ёки шапалоқдек мақоладан кўра ана шундай бир «чўғ» ташлаб қўйиш яхшироқ таъсир қилади.

Ўша суҳбатда яна терроризмнинг нақадар даҳшатли эканлигини учта манзара билан ифодаладим.

Қонини текширтиришга келган ўспирин йигитча бармоғидан оқаётган бир томчи қонни кўриб «Опажон, мен қондан қўрқаман» дея илтижо қилади. Ҳаёт ширин-да.

Тошкентда террористик хуружни бартараф этишда қатнашган ўғлим гапириб берган воқеа: портлаб кетган кишиларнинг на бошини, на оёғини топиб бўлади. Терговчи огоҳлантиради: «Қўрқма, ёш экансан, қондан қўрқма».

Юз яшар бобомиз оламдан ўтса ҳам беихтиёр кўзимизга ёш келади. Ҳаёт ширин-да. Ажралиш оғир.

Яқинда юртимизда юз берган мудҳиш воқеаларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар сал сусткашлик қилганида эди, неча-неча кишиларнинг ёстиғи қуриган, дарё-дарё қонлар оққан бўларди.

***— Ҳуқуқий тарбияни бошқа омиллар билан ҳам боғлаш мумкинми?***

— Нафақат мумкин, балки мафкуравий ишлар билан боғлаш зарурдир. Конституциямизнинг 12-моддасида: «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас», — дейилган. Аммо миллий истиқлол мафкурасини давлат сиёсати даражасига кўтариш лозим деб ҳисоблайман. Чунки Ватанга меҳр туйғусини жўш урдирмай, уни юксалтириш мушкул. Ҳуқуқий тарбия маънавий ва ахлоқий тарбия билан қўшиб олиб борилсагина бирор натижа бериши мумкин. Қонунларни тушунтиришда унинг инсонпарварлиги, демократия ва улуғ мақсадларимизга ҳамоҳанг эканини очиб беришимиз лозим. Бош прокурорнинг орган ходимларининг тарғиботда иштироки ҳақидаги янги буйруғида ҳам шундай талаб қўйилган.

***— Бугунги кунда қонунни тартибга солиш меъёрлари бажарилаётгандир, аммо тарбиявий томони-чи?***

— Гапингиз тўғри. Айтайлик, Жиноят кодексининг вазифаси шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан қўриқлаш, шунингдек, жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларни мамлакат конституцияси ва қонунларга риоя этиш руҳида тарбиялашдан иборат. Ўйлаб кўрайлик, охирги кўрсатилган вазифа тўлақонли ижро этилса бошқа вазифаларга ўрин ҳам қолмасди. Бу охирида кўрсатилса ҳам аслида биринчи галдаги вазифадир.

Жазо муқаррарлигини таъминлаш деган тамойил бор. Жиноят содир қилган ҳар бир киши жазога тортилиши шарт. Агар биргина жиноятчи жазосиз қолса минглаб кишиларнинг жиноят қилишига сабаб бўлиши мумкин.

Қонун билан яшаш эркинликни қисиб қўядими? Йўқ, аксинча. Киши жамиятда яшар экан барибир ҳуқуқий муносабат иштирокчисига айланади. Ҳуқуқ ва мажбуриятини яхши англаган одам ҳаётда ўзини эркин ҳис этади.

***— Ҳуқуқ тарғиботчиси қандай бўлиши керак?***

— Аввало, у нимани, кимга, қачон ва қандай тушунтиришни яхши билиши шарт. Шундагина кўзланган мақсадга етишимиз мумкин. Масалан, журналистларга аввало ОАВ тўғрисидаги қонунлар, корхоналардаги кадрлар бўлими ходимларига эса меҳнат қонунчилиги, ФҲДЁ бўлимидагиларга оила қонунчилигини теранроқ тушунтириш керак. Шунда кишининг шахсига тегадиган мақолалар, ноҳақ ишдан бўшатишлару оилаларнинг асоссиз барбод бўлиши камаяр эди.

Маънавият ва маърифат учун масъул бўлган айрим кишиларнинг суҳбатидан кўнгил ранжийди. Улар халқнинг ичига кириб боролмаяпти. Фақат баландпарвоз гаплар, ўринсиз танқидлар ва ҳ.к. Аввало, киши ҳамсуҳбатининг дарди билан қизиқмоғи керак. Суҳбатдошинг қандайдир дард билан ўтирган бўлса, унинг ҳаётига дахли бўлмаган гаплардан гапиришдан не фойда?

Биз одамларда келажакка ишонч руҳини тарбиялашимиз керак. Мамлакатдаги улкан ишлардан бехабар бўлиб, бошқаларга келажак ҳақида гапириб бўладими? Президентимиз Сурхондарёдаги йиғилишда: «Ошкораликни ҳаётимизнинг барча соҳаларида, ...ҳамма жойда қарор топтиришимиз, бўлаётган ишларни халқимиздан сир тутмаслигимиз керак.

Демоқчиманки, ҳар қайси раҳбар, у туман, шаҳар, вилоят ҳокими бўладими ёки ваколат олган давлат ходими бўладими, вилоят ва туман кенгашларида, керак бўлса, маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари мажлисларида мунтазам равишда ҳисобот бериши лозим», — дея таъкидлаб ўтганди. Бу гапларда ҳикмат кўп. Эҳтимол, вақти келиб маҳаллий давлат органлари тўғрисидаги қонунларга ҳам ўзгартириш киритилар.

***— Прокуратура органлари фаолиятининг асосий принципларидан бири ошкораликдир. Бу қандай намоён бўлади?***

— Бу «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунда аниқ белгилаб қўйилган. Прокурорлар халқ депутатлари кенгашларига, зарур ҳолларда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига қонунийлик ҳамда жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисида ҳар йили ахборот берадилар.

Прокурор қонуннинг бузилиши ва бунга имкон бераётган шароитни бартараф этиш тўғрисида жойларга тақдимнома киритадими, қонунга зид ҳужжатга нисбатан протест келтирадими, у коллегиал орган томонидан кўриб чиқиладиган ҳолларда мажлисларда иштирок этишга ҳақлидир. Гап бу ҳуқуқдан самарали фойдаланишда.

***— Ҳеч нарсани қонунни билганчалик ёмон билмаймиз деган экан бир аллома. Бунинг сабаби қонунчиликни ўргатишни жуда кичик ёшдан бошламаганликданмикан деб ўйлайман. Ёшларга қонунчиликни ўргатишда нималарга эътибор бериш керак?***

— Аввало, жиноятга жиноят деб қарашнинг ўзи кифоя қилмайди, унинг нақадар шармандали, инсон зотига иснод эканини тушунтирмоқ лозим. Бировни уриб бурнини қонатиш жасорат эмас, қабоҳатдир. Ота-она билиб-билмай фарзандига бўлган меҳри туфайли унинг ножўя ҳаракатини рағбатлантирмасин.

Кейин киши қандай қилмиш содир этганини яхши билса дейман. Айримлар майда безорилик содир этган кишини ҳам «бу қип-қизил жиноятчи-ку» дея нотўғри айблайдилар. Ҳолбуки бу маъмурий ҳуқуқбузарликдир. Жиноят кодексида кўрсатилиб, жазо белгиланган қилмиш — жиноят. Вассалом. Маъмурий ҳуқуқбузарлик — жиноятнинг «укаси».

Ёшларга ҳуқуқий тарбия беришда майда-чуйда деган гап бўлмаслиги лозим. Масалан, бирорта синфда ручка ўғирланса-ю, муҳокама этилмаса, бу бошқа бир ножўя ҳаракатга рағбат бўлиши мумкин.

***— Суҳбатимизни якунласак ҳам бўлар...***

— Илтимос, мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат деманг. Шу сал ғашга тегадими-ей. Суҳбатнинг мазмунли ёки мазмунсиз эканини газетхон белгиласин.

***— Дарвоқе, журналистлар ҳақида икки оғиз...***

— Журналист яхши ижодкор бўлиши керак. Аммо хафа бўлишмасину, бугунги ҳамма журналистларни ҳам ижодкор деб бўлмайди. Масалан, оддий этикдўз ёки тикувчи бўлар, лекин шундай кийим тикиши мумкинки, уни кийиб эмас, томоша қилиб завқланиш мумкин. Мана бу — ижод.

***— Журналистларнинг ихтисослашувига муносабатингиз қандай?***

— Маҳоратли журналист ҳамма соҳани чуқурроқ билиши ва ёза олиши керак. Ҳуқуқшунос-журналист, иқтисодчи-журналист, эҳтимол чорвадор-журналист ҳам бўлар... Билмадим.

Қисқаси, айниқса, ҳуқуқий тарбияга боғлиқ мавзуларда қалам сураётган бу касб соҳиблари мушоҳадаси ўткир, маънавий баркамол инсон бўлиши зарур.

**Гулруҳ ЁРМАТОВА**
**суҳбатлашди**

HUQUQ
yuridik gazeta

Ta'sischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:
Bahriddin VALIYEV, Azimjon ERGASHEV, Dilshod ISLOMOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV (mas'ul kotib), Lola SHOMURODOVA, Hasan INOYATOV, Muxtor SHODMONOV

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, akademik Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66.
Telefon: 133-82-34, 133-64-72.
E-mail: Info@huquq.uz.
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma Г — 771. 15708 nusxada chop etildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir T.SAIDBOBOYEV
Navbatchi A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda

Gazetaning ro'yxatdan o'tish tartibi: N 023. Nashr ko'rsatkichi — 231, 232

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 18.30. 1 2 3 4 5 6 7 8